

"IQ-SHOW" танлови ГМ талабалари билан

Илм қуввати унинг инсоният томонидан эгалланиши ва амалиётга татбиқ этилишидир. Кенгқамровли билимга эга бўлиш турли соҳа ва мавзуларга оид билимларни ўзлаштиришдир. Илм нури жаҳолатга қарши маърифат яроғидир. Тўғри билим, уйдирмадан холи бўлган аниқ маълумот кишини адаштирамайди, гумроҳлик гирдобига тушишдан асрайди. Шунинг учун ҳам интеллектуал салоҳиятга эга бўлиш имкониятлар эшигини кенг очади.

Жорий йилнинг 9-ноябр куни "Гидромелиорация" факултети Ёшлар иттиоқи томонидан талабалар ортасида "ИҚ-ШОУ" интеллектуал беллашувларининг ФИНАЛ босқичи отказилди. Интеллектуал мусобақа Ахборот ресурслари марказида ташкил этилди. Интеллектуал беллашувларда қуйидаги жамоалар иштирок этишди.

Аввалги беллашувлар натижасига қара қуйидаги жамоалар юқори балл топлаб финал босқичига ёлланма олишганди.

1. Билимдонлар-1
2. Эверест-1
3. Футуре миллинерс
4. Креативе
5. Янги юлдузлар
6. Само
7. Диамондс
8. Келажаги буюклар
9. Wҳите стар

Финал босқичи қизиқарли тарзда болиб отди ва юқори балл топлаган САМО жамоаси II-оринни эгаллади.

- II-оринни: 1. Эверест-1
2. Футуре миллинерс
 3. Креативе
 4. "Келажаги буюклар" эгаллашди.

III-оринни "Wҳите стар" жамоаси эгаллади.

Мусобақа жараёнида қуйидаги саволлар ўйинга киритилди.

1) Америкада шундай бир ибора бор: АҚШда яшасангиз олимдан ва ундан қоча олмайсиз. Савол: ундан деганда нима назарда тутилган? Жавоб: Солиқ. АҚШда солиқдан қарзингиз болса, яшаб турган уйингиз ҳам гаровга олиб қойилади.

2) 20-аср бошларидаги бир асар қаҳрамони бизнинг ҳозирги олчовимизга қара 33 кг 400 грамм олма эвазига ишга ёлланади. Савол: бизга бу асар номини эмас, балки асар қаҳрамонини номини айтинг. Жавоб: Қоровой.

3) Чарли Чаплиннинг айтишича, комедия кино олиш учун унга 4 та нарса етарли бўларкан: Биттаси чиройли қиз, ози, парк ва аҳмоқ қилиш учун у керак. Савол у ким? Жавоб: Полиция ходими.

4) Декан сози дастлаб Римда пайдо болган ва у ҳарбий унвон учун ишлатилган. Савол: Декан сози қандай ҳарбий унвон учун ишлатилган? Жавоб: Онбоши.

5) Ота - боболаримиздан қолган бир гап бор. Агар бирор уйдан отсангиз, у уйни кочаси тоза ва чиройли болса у уйда келин бор. Агар бирор бошқа уйдан отсангиз у уйни кочаси супурилмаган ва ёмон аҳволда болса демак, у уйда келин бор. Савол нуқталар орнида қандай соз бор? Жавоб: иккита

6) Афинадаги Олимпиада Нурия Доминтес исмли спортчи финиш чизиғини кесиб ўтаётган вақтда унинг барча рақиблари орқада эди. Шунга қарамай, Нурия Доминтес сонги оринни эгаллаган. Нурия Доминтес қандай спорт турида олимпиядада қатнашган? Жавоб: Академик эшкак эшиш.

7) 20 асрнинг 80-йилларида бир жуда бой одам оламдан отади. У оз бойлигининг ярмини меросхор оглига қолган ярим эса ози билан бирга дафн этилишини васият қилиб қолдиради. Унинг огли унинг васиятини юридик томондан толиқ бажаради ва мероснинг ҳаммасига эга чиқади. Қандай

қилиб меросхор оғил мероснинг ҳаммасига эга чиққан? Жавоб: Меросхор оғил ярим бойлигига тенг чек ёзиб дафн қилган. Чекдан ҳеч ким фойдалана олмайди ва қолган бойлик ҳам ўзига қолади.

8) Бу фан 17-асргача Натурал фалсафа деб юритилган. Натурал созининг маноси ҳаётда ишлатилувчи болса, бу қайси фан? Жавоб: Физика.

9) Машиналар пайдо болгунича, узоқ масофаларга боришда от аравалардан фойдаланилган. От аравада юришда икки хил тоифада нархлар болган бири арзон, иккинчиси қиммат. Агар сиз от араванинг арзонроқ жойида отирсангиз ёлда бир иш қилишингизга тоғри келади. Савол: У қандай иш? Жавоб: Агар от арава йўлда ботқоққа ботиб қолса, уни ботқоқдан чиқариб юборишга қарашиб юборишингиз керак. Копроқ пул толаган одамда бундай мажбурият болмаган.

10) Лев Толстой буюк ёзувчи ва бир спорт турининг устаси болган. Толстой, ҳатто 70 ёшдан ошгандан сонг ҳам бу спорт турида шуғулланишдан тўхтамаган, шунинг учун Толстойни бу спорт "федерация"сининг фахрий президенти этиб сайлашган. Бу қайси спорт тури. Жавоб: Велосипедда учиш.

11) 15-асрда инглиз аёлларида шундай ирим болган: агар нон орқаси билан ағдарилиб қолган болса, уни зудлик билан онгига огириб қойиш керак. Савол бу аёлларнинг эрлари қайси касб билан шугулланганлар. Жавоб : Денгизчи.

12) Тошкент ирригация ва қишлоқ хожалигини механизациялаш муҳандислари институти нечанчи йилда илк бор ташкил этилган? Жавоб: 1934-йилда.



Факултет ёшлар етакчиси Н Олимжонов ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов